

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ**

**МАМАЮСИПОВА МУҚАДДАМХОН ДИЛМУРОД ҚИЗИ**

**“СОЯНИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА  
ЭКИШ ТИЗИМЛАРИ ҲАМДА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР МЕЪЁРЛАРИНИ  
ТАЪСИРИ”**

**06.01.08-«Ўсимликшунослик»**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон-2025**

УЎТ: 632.98:631.531.04:635.655/631.445.56 (575.192)

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

<b>Мамаюсипова Мукаддамхон Дилмурод қизи</b> Соянинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига экиш тизимлари ҳамда минерал ўғитлар меъёрларини таъсири.....	3
<b>Мамаюсипова Мукаддамхон Дилмурод қизи</b> Влияние системы посева и норм минеральных удобрений на рост, развитие и урожайность сои.....	21
<b>Mamayusipova Mukaddamkhon Dilmurod qizi</b> Influence of seeding system and mineral fertilizer rates on growth, development and yield of soybeans.....	38
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	43

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ**

**МАМАЮСИПОВА МУҚАДДАМХОН ДИЛМУРОД ҚИЗИ**

**“СОЯНИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА  
ЭКИШ ТИЗИМЛАРИ ҲАМДА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР МЕЪЁРЛАРИНИ  
ТАЪСИРИ”**

**06.01.08-«Ўсимликшунослик»**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон-2025 йил**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.4. PhD/Qx1548 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.andqxai.uz](http://www.andqxai.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Ўразматов Насибжон Назирович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), к.и.х

**Расмий оппонентлар:** **Ибрагимов Одилжон Олимжонович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Иминов Абдували Абдубаннобович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ҳузуридаги PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_, соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170600 Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Олийгоҳ кўчаси 1-уй. Тел.: (998-74) 224-02-82; Факс: (998-74) 224-02-62; e-mail: [andqxai@exat.uz](mailto:andqxai@exat.uz); Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг \_\_\_\_\_ Ахборот-ресурс \_\_\_\_\_ марказида \_\_\_\_\_ танишиш \_\_\_\_\_ мумкин (№ \_\_\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170600, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Олийгоҳ кўчаси 1-уй, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (998-74) 224-02-82.

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -рақамли реестр баённомаси).

**А.Исашов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси к.х.ф.д., профессор.

**А.Н.Жўраев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби к.х.ф.д., профессор.

**З.М.Жумабоев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси к.х.ф.д., профессор.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда аҳоли сонининг ортиб бориши ва соноатнинг ривожланиши ҳисобига соядан олинадиган маҳсулотларга бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Ер юзида “2015-2024 йилларда соядан ўртача 364,2 млн.тонна дон ҳосили етиштирилиб, 10 йил мобайнида ўртача йиллик ўсиш 3,0 фоизни ташкил этган. 2023/2024 йилларда соядан 396,93 млн.тонна дон ҳосили етиштирилган бўлса, 2024/2025 йилларда ушбу кўрсаткич 420,87 млн.тоннани ташкил этди ва йиллик ўсиш 6,0 фоизга етди”<sup>1</sup>. Бугунги кунда соя етиштириш бўйича Бразилия (169,0 млн.тонна), АҚШ (118,84 млн.тонна) ва Аргентина (49,0 млн.тонна) мамлакатлари етакчилик қилиб, умумий етиштирилаётган ҳосилнинг 80 (336,84 млн.тонна) фоизи ушбу давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Соядан олинадиган ҳосилдорликни янада ошириб бориш учун уни парваришлашда қўлланиладиган агротехнология элементларини такомиллаштириб бориш, жумладан, мақбул экиш муддати, кўчат қалинликлари ва озиклантириш меъёрларини ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда тўғри белгилаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда дунё қишлоқ хўжалиги амалиётида соя етиштириш бўйича етакчилик қилувчи мамлакатларда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда мақбул уруғ экиш муддатлари ва тизимларида парваришланиб, минерал ўғитлар билан озиклантиришни тўғри йўлга қўйилиши ҳисобига юқори ва сифатли дон ҳосили олишга эришилмоқда. Янги яратилаётган соя навларини муайян ҳудуд учун мослаштириш, тупроқ шароити ва кўчат қалинликларидан келиб чиққан ҳолда озиклантириш меъёрларини мақбуллаштириш ҳисобига гектаридан олинадиган ўртача ҳосилдорликни ошириб борилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боисдан турли тупроқ-иқлим шароитларида соя навларидан барқарор ҳосил етиштиришда унинг мақбул экиш тизимлари ва озиклантириш меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги фармонида “...озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш, йўл хариталарини ишлаб чиқиш, соянинг маҳаллий ва хорижий навларини асосий экин сифатида тупроқ-иқлим шароитларига мослаштириш, бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ҳамда етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш”<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада Фарғона вилоятининг турли тупроқ-иқлим шароитларида соя навларидан барқарор юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда мақбул экиш тизимлари ва озиклантириш меъёрларини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

<sup>1</sup><https://www.fas.usda.gov/data/production/commodity/2222000>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5853 сонли фармони.<https://lex.uz/docs/4567334>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони, 2021 йил 26 февралдаги ПҚ-5009-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 мартдаги №121-сон “Мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва 2021 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш тўғрисида”ги қарори ҳамда бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқотлар Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Соядан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда мақбул экиш тизимлари ва озиклантириш меъёрларини аниқлаш ҳамда уни парваришlash агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича хорижда Ф.Ф.Юхимчук, Г.Лавриненко, Л.М.Дорошинский, Г.Бондер, Ю.Тимохин, Е. Krok, S. Cordeiro, D. Saturno, J.Vonk, С.Miranda, R.Matthew, M.Bermudez, N.Kellar, республикамизда Х.Н.Атабаева, Д.Ёрматова, М.Маннопова, Н.Халилов, Б.М.Халиков, З.Жумабоев, Ф.Тешаев, А.А.Иминов, М.Сатторов, З.Исламова, А.Мўминов, И.И.Абитов, С.Ш.Хайруллаев, Ш.Усмонова, О.П.Утамбетов, Ф.Атахажиевалар бир қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Лекин, Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқлари шароитларида минерал ўғитлар меъёрларига боғлиқ ҳолда соянинг мақбул уруғ экиш тизимларини аниқлаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари етарлича олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти илмий тадқиқот ишлари режасининг 2020 йил 16 декабрдаги № 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли дон етиштиришда янги инновацион технологияларни қўллашнинг самарадорлиги” (2022-2024 йй.) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқлари шароитида соянинг “Нафис” навининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва донининг технологик сифат кўрсаткичларига уруғ экиш тизимлари ва озиклантириш меъёрларининг таъсирини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

- минерал ўғитлар меъёрлари ва экиш тизимларини ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, ривожланиш даврларининг давомийлиги ҳамда ўтиш шароитига таъсирини ўрганиш;

- соянинг қуруқ масса тўплаши, барг сатҳининг шаклланиши, вегетатив ва генератив органлари таркибидаги озика моддалари миқдорларига минерал ўғитлар меъёрлари ҳамда экиш тизимларининг ўзаро таъсирини таҳлил қилиш;

- соянинг ҳосилдорлиги ва донининг сифат кўрсаткичларига минерал ўғитлар меъёрлари ҳамда экиш тизимларининг таъсирини аниқлаш;

- соя илдиз тизимининг шаклланиши ва симбиотик фаолиятига минерал ўғитлар меъёрлари ҳамда экиш тизимларининг таъсирини ўрганиш;

- сояни парваришда уруғ экиш тизимлари ва минерал ўғитлар қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқлари, соянинг “Нафис” нави олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, тупроқнинг агрохимёвий хоссалари, соянинг ўсиши, ривожланиши, қуруқ масса тўплаши, барг сатҳининг шаклланиши, ўсимликнинг вегетатив ва генератив органлари таркибидаги озика моддалари миқдорлари, ривожланиш даврларининг давомийлиги ва ўтиш шароити, илдиз тизимининг шаклланиши ва туганак бактерияларнинг миқдорлари, ҳосилдорлиги ва доннинг сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари** Дала ва лаборатория шароитидаги тажрибаларни жойлаштириш, ҳисоблашлар ва кузатувлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, тупроқ ва ўсимликлардаги таҳлиллар “Методы агрохимических анализов почв и растений” услубий қўлланмалари асосида, доннинг сифат кўрсаткичлари Granolyser анализаторида, олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ва Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услубий қўлланмаси ҳамда иқтисодий самарадорлик Н.А.Баранов усули асосида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқлари шароитида соянинг “Нафис” навидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштириш учун минерал ўғитларнинг  $N_{90} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган фонда 60x5-1 тизимда экиш мақбул эканлиги аниқланган;

соя етиштиришда минерал ўғитларнинг  $N_{90} P_{90} K_{60}$  ва  $N_{120} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёрларда қўлланилиши ўсимликнинг қуруқ масса тўплашига ижобий таъсир кўрсатиб, бир ўсимликнинг умумий қуруқ массаси минерал ўғитларнинг  $N_{30} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилганга нисбатан 7,8- 12,8 г га юқори бўлиши аниқланган;

минерал ўғитларнинг  $N_{90} P_{90} K_{60}$  ва  $N_{120} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёрлари қўлланилиб, 60x5-1 уруғ экиш тизимида экилганда ўсимликнинг дуккак ҳосил қилиш даврида бир туп ўсимликдаги барглар сони 38,4-39,7 донани ташкил этиб, минерал ўғитларнинг  $N_{30} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган фондаги 60x5-1 уруғ экиш тизимида экилганга нисбатан 3,3-4,6 донага кўп бўлганлиги аниқланган;

минерал ўғитларни қандай меъёрларда қўлланилишидан қатъий назар сояда туп сонини камайиб бориши ҳисобига ўсимлик илдизининг умумий қуруқ массасини ортиб бориши аниқланган;

минерал ўғитларнинг  $N_{60} P_{90} K_{60}$  ва  $N_{90} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёрлари қўлланилган фонлардаги  $60 \times 6 \times 1$  уруғ экиш тизимида экилганда унинг илдизида шақалланган туганаклар миқдорлари минерал ўғитларнинг  $N_{30} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган фондаги  $60 \times 6 \times 1$  уруғ экиш тизимида экилганга нисбатан дуккак ҳосил қилиш даврида сони 6,6-13,5 дона/ўсимлик, вазни 0,35 г/ўсимликни, минерал ўғитларнинг  $N_{120} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган фондаги  $60 \times 6 \times 1$  экиш тизимида экилган вариантга нисбатан туганаклар сони 1,3-8,2 дона/ўсимлик, вазни эса 0,07-0,43 г/ўсимликка юқори бўлиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

соянинг “Нафис” навини асосий экин сифатида етиштирилганда минерал ўғитлар меъёрлари ва уруғ экиш тизимларини ўсимликнинг барг юзасига таъсир кўрсатиб, минерал ўғитларнинг  $N_{90} P_{90} K_{60}$  ва  $N_{120} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёрлари қўлланилган фонларда  $60 \times 4 \times 1$  экиш тизимида экилган вариантларда ўсув даври охирида 60,1-61,4 минг  $m^2$ /га ни ташкил этган ҳолда минерал ўғитларнинг  $N_{30} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган фондаги  $60 \times 4 \times 1$  экиш тизимида экилган вариантга нисбатан 5,0-6,3 минг  $m^2$ /га юқори бўлишини таъминлаган;

минерал ўғитлар меъёрлари ва уруғ экиш тизимлари сояни дон ҳосилдорлигига таъсир кўрсатиб, минерал ўғитларнинг  $N_{90} P_{90} K_{60}$  ва  $N_{120} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёрлари қўлланилган фонлардаги  $60 \times 5 \times 1$  экиш тизимида экилган вариантларда юқори миқдорда дон ҳосили (31,2-32,3 ц/га) етиштирилиб,  $60 \times 4 - 1$  ва  $60 \times 6 - 1$  экиш тизимларида экилган вариантларга нисбатан 1,6-2,4 ва 0,8-3,1 ц/га миқдорида қўшимча дон ҳосили олинган бўлса, минерал ўғитларнинг  $N_{30} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган фондаги  $60 \times 5 \times 1$  экиш тизимида экилган вариантга нисбатан 9,8-10,9 ц/га миқдорида юқори бўлганлиги аниқланган;

соя донининг сифат кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, унинг таркибидаги оқсил ва мой миқдорлари бўйича энг юқори кўрсаткичлар минерал ўғитларнинг  $N_{90} P_{90} K_{60}$  ва  $N_{120} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёрлари қўлланилган фонлардаги  $60 \times 5 - 1$  уруғ экиш тизимида экилган вариантларда кузатилиб, оқсил миқдори 41,4-41,5%, мой миқдори эса 23,2-24,3% ни ташкил этганлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Дала ва лаборатория шароитларида тажриба ва таҳлиллар ўтказишда услубий қўлланмаларидан фойдаланган ҳолда тадқиқот натижаларини дисперсион таҳлил усули билан математик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижалари республика ва чет эл тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар, ҳисоботлар Илмий кенгашларда муҳокама қилиниб, мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларини Республика ва халқаро илмий анжуманларда маърузалар қилинганлиги ва илмий нашрларда чоп этилган, илмий мақолалар натижаларнинг ишончлилигини асослайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқлари шароитида соянинг “Нафис” навини баҳорги муддатда етиштиришда мақбул минерал ўғитлар меъёрлари фонида 60x5-1 уруғ экиш тизимида экилиши ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, барг юзасининг шаклланиши ҳамда курук масса тўплашига ижобий таъсир кўрсатиши ҳисобига юқори ва сифатли дон ҳосили олиш мумкинлигини илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқлари шароитида соянинг “Нафис” навини асосий экин сифатида етиштиришда мақбул минерал ўғитлар меъёрлари ва уруғ экиш тизимларини қўлланилиши ҳисобига юқори ва сифатли дон ҳосили олиниб, юқори иқтисодий самарадорликка эришилганлиги ва тадқиқотлардан олинган натижаларнинг амалиётга кенг жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқлари шароитида соянинг “Нафис” навини асосий экин сифатида етиштиришда минерал ўғитлар меъёрларига боғлиқ ҳолда мақбул уруғ экиш тизимларини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

соянинг “Нафис” навини асосий экин сифатида парваришlashда минерал ўғитлар меъёрларига боғлиқ ҳолда мақбул уруғ экиш тизимларини қўллаш юзасидан “Соянинг “Нафис” навини парваришlashда мақбул экиш тизимлари ва минерал ўғитлар меъёрларини қўллаш бўйича тавсиялар” тасдиқланган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 30 майдаги №05/04-04-284 сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома вилоятдаги мавжуд фермер хўжаликлари ва кластерларида соя етиштириш учун қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

баҳорги муддатда соянинг “Нафис” навини минерал ўғитларнинг N<sub>90</sub> P<sub>90</sub> K<sub>60</sub> кг/га меъёри фонида 60x5-1 тизимида экиш технологияси Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқлари шароитида Бешариқ туманида 10,0 (ўн) гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 30 майдаги №05/04-04-284 сон маълумотномаси). Натижада, сояни парваришlashда минерал ўғитларнинг N<sub>90</sub> P<sub>90</sub> K<sub>60</sub> кг/га меъёри қўлланилиб, 60x5-1 уруғ экиш тизимида экилганда 29,3-31,8 ц/га дон ҳосили олиниб, минерал ўғитларнинг N<sub>30</sub> P<sub>90</sub> K<sub>60</sub> кг/га меъёри қўлланилган фондаги 60x5-1 уруғ экиш тизимида экилганга нисбатан 8,1-10,1 ц/га миқдоридида қўшимча дон ҳосили олишни таъминлаган ва рентабеллик даражаси 37,2-43,2 % га юқори бўлган.

соянинг “Нафис” навини минерал ўғитларнинг N<sub>120</sub> P<sub>90</sub> K<sub>60</sub> кг/га меъёри фонида 60x6-1 тизимида экиш технологияси Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқлари шароитида Ёзёвон туманида 7,0 (етти) гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 30 майдаги №05/04-04-284 сон маълумотномаси). Натижада, сояда минерал ўғитларнинг N<sub>120</sub> P<sub>90</sub> K<sub>60</sub> кг/га меъёри қўлланилган фондаги 60x6-1 экиш тизимида экилганда 28,0-30,7 ц/га дон ҳосили олиниб, минерал ўғитларнинг N<sub>30</sub> P<sub>90</sub> K<sub>60</sub> кг/га меъёри қўлланилган фондаги 60x5-1 экиш

тизимда экилганга нисбатан 7,4-9,5 с/га миқдорида кўшимча дон ҳосили олинган ва рентабеллик даражаси 34,1-40,9 % га юқори бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ҳамда Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти мутахассисларидан иборат махсус апробация комиссияси аъзолари томонидан ижобий баҳоланиб, йиллик ҳисоботлар институтнинг услубий ва илмий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий натижалари 2 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда жами 4 марта маъруза қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 7 та илмий мақола ва 1 та тавсиянома нашр этилган, шулардан илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, 4 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ҳамда предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг «**Соянинг ҳосилдорлигини ошириш ва донининг технологик сифат кўрсаткичларини яхшилашда мақбул экиш тизимлари ҳамда озиклантириш меъёрларини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар шарҳи**» деб номланган I-бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари, маҳаллий ва хорижий адабиётларда ўрганилаётган омиллар бўйича чоп этилган маълумотлар батафсил таҳлил қилинган. Сўнгги йилларда республикамизнинг турли тупроқ-иклим шароитларида етиштириш учун мос бўлган соянинг юқори ва сифатли дон ҳосили берадиган янги навларини яратиш, мавжудларини мослаштириш, уларни парваришlash агротехнологияларини ишлаб чиқишда уруғ экиш муддатлари ва меъёрларини тўғри белгилаш, озика моддаларга бўлган талабларини аниқлаш каби вазифалар таҳлил қилиниб, бу борада олиб борилган бир қатор илмий-тадқиқотларда тегишли хулосалар берилган.

Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, соядан юқори ва сифатли ҳосил олишда экиш муддатлари ва кўчат қалинликларини тўғри белгилаш, экиш муддатлари, етиштириш агротехнологиялари элементлари, соянинг тупроқда қолдирган илдиш ва анғиз қолдиклари, тупроқ унумдорлигига

таъсири бўйича маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Диссертациянинг “Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари” деб номланган II-бобида тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг тупроқ-иклим шароитлари ҳақида баён қилинган. Фарғона вилоятида 14 минг гектардан ортиқ ўтлоқи соз тупроқлар мавжуд бўлиб, Қува, Тошлоқ, Ёзёвон, Олтиариқ, Бешариқ, Ўзбекистон туманларида асосий майдонларни ташкил қилади.

Фарғона вилоятининг деҳқончилик қиладиган майдонларининг сизот сувларининг сатҳи турлича булиб, сизот суви 1 метргача жойлашган майдонлар 1000 гектардан ошиқни, 1-2 метргача жойлашган майдонлар эса 175 минг гектарни, 2-3 метр ва ундан чуқур жойлашган майдонлар эса 60 минг гектарни, қолган майдонлар 4 метр ва ундан ортиқни ташкил қилади.

Дала тажрибалари олиб борилган 2022-2024 йиллар мобайнида тажриба майдонининг ҳайдов (0-30 см) ва ҳайдов ости (30-50 см) қатламлари бўйича тупроқ намуналари олиниб, уларнинг агрокимёвий таркиби таҳлил қилинган, дастлабки таҳлил кўрсаткичларидан маълум бўлишича гумус миқдори тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) қатламида 1,720 фоизни, ҳайдов ости (30-50 см) қатламида эса 1,284 фоизни ташкил этганлиги аниқланган.

Тупроқнинг таркибидаги умумий шаклдаги азот миқдори унинг ҳайдов (0-30 см) қатламида 0,165 фоизни, ҳайдов ости (30-50 см) қатламида эса 0,131 фоизни ташкил этган. Умумий шаклдаги фосфор миқдори тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) қатламида 0,182 фоизни, ҳайдов ости (30-50 см) қатламида 0,153 фоиз атрофида бўлганлиги маълум бўлган. Калийнинг умумий шакли тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) қатламида 1,615 фоизни, ҳайдов ости (30-50 см) қатламида 1,166 фоиз атрофида бўлганлиги аниқланган. Тупроқ таркибидаги озика моддаларнинг ҳаракатчан шакллари таҳлил қилинганда нитратли азот миқдори унинг ҳайдов (0-30 см) қатламида 24,61 мг/кг, ҳайдов ости (30-50 см) қатламида 18,74 мг/кг ни ташкил этган бўлса, фосфорнинг ҳаракатчан шакли тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) қатламида 28,15 мг/кг, ҳайдов ости (30-50 см) қатламида 22,46 мг/кг ни ташкил этган. Тупроқнинг таркибидаги алмашинувчи калий миқдори унинг ҳайдов (0-30 см) қатламида 210 мг/кг, ҳайдов ости (30-50 см) қатламида 190 мг/кг бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқотлар олиб борилган йиллар давомида ушбу минтақанинг ўртача ҳаво ҳарорати апрел ойида 17,2-19,9 °С ни ташкил этиб, кўп йилликка нисбатан 0,8-3,5 °С га юқори бўлган бўлса, май ойида кўп йилликка яқин бўлганлиги кузатилди. Июнь ойидаги ҳаво ҳарорати 21,0-22,0 °С ни ташкил этган бўлса, кўп йиллик кўрсаткичга яқин бўлса, июл ойида 28,0-28,6 °С ни ташкил этди. Август ойида ҳавонинг ҳарорати 25,4-26,8 °С ни ташкил этган бўлса, сентябр ойида 20,0-21,6 °С бўлганлиги кузатилиб, ҳар иккала ойда ҳам кўп йилликка яқин бўлган.

Ёғингарчилик миқдори апрел ойида 7,9-22,0 мм ни ташкил этган бўлса, кўп йиллик ёғингарчилик миқдори 24,6 мм бўлганлиги аниқланди. 2022 ва 2024 йилларнинг май ойларида ёғингарчилик миқдорлари кўп йилликка яқин бўлган бўлса, 2023 йилда 1,8 мм ни ташкил этган.

Тажриба ўтказилган йилларнинг июн ойида ёғингарчилик миқдорлари 1,3-11,9 мм ни ташкил этган бўлса, кўп йиллик кўрсаткич 12,1 мм ни ташкил этди. Июл ойидаги ёғингарчилик миқдори 0,9-4,4 мм ни ташкил этган бўлса, кўп йиллик кўрсаткич 4,6 мм бўлганлиги аниқланди. Август ойида эса 2022 ва 2024 йилларда ёғингарчилик миқдори кўп йилликка яқин бўлган бўлса, 2023 йилда 20,4 мм ни ташкил этиб, кўп йилликка нисбатан 16,4 мм га кўп бўлганлиги аниқланди. Сентябрь ойида эса ёғингарчилик миқдори 2,4-3,7 мм ни ташкил этган бўлса, кўп йиллик кўрсаткичлар 3,8 мм ни ташкил этганлиги аниқланган.

“Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” қисмида 2022-2024 йиллар мобайнида Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Фарғона илмий тажриба станцияси тажриба далаларида олиб борилганлиги, тажриба Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз, механик таркиби оғир қумоқ тупроқлари шароитида ўтказилиб, соянинг “Нафис” навида минерал ўғитларнинг  $N_{30} P_{90} K_{60}$ ,  $N_{60} P_{90} K_{60}$ ,  $N_{90} P_{90} K_{60}$  ва  $N_{120} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёрлари қўлланилган фонларда 60x4-1, 60x5-1, 60x6-1 экиш тизимлари синаб кўрилганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Дала тажрибаси 12 та вариантни ўз ичига олиб, ҳар бир вариантнинг эгаллаган майдони 120 м<sup>2</sup>, шундан ҳисобга олинган майдон 60 м<sup>2</sup> ни ташкил этган. Дала тажрибалари уч қайтариқда олиб борилган ҳамда тажрибанинг умумий эгаллаган майдони 4320 м<sup>2</sup> ни ташкил этган.

Лаборатория шароитидаги тажрибаларни ўтказиш услублари бўлимида агрохимёвий тадқиқотлар жумладан тупроқнинг агрохимёвий хоссаларини таҳлил қилишда «Методы агрохимических анализов почв и растений» (Ташкент, 1977) қўлланилган. Бунда, дала тажрибасини олиб бориш жараёнида тажриба қўйишдан аввал тупроқнинг дастлабки агрохимёвий кўрсаткичлари конверт усулида даланинг 5 та нуқтасида тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) ва ҳайдов ости (30-50 см) қатламларидан, тажриба якунида эса барча тажриба вариантларидан тупроқ намуналари олиниб, чиринди миқдори И.В.Тюрин, азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари А.П.Гриценко, И.М.Мальцева, нитратли азот миқдори Гранвальд-Ляжу, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин, алмашинувчи калийни алангали фотометрда П.В.Протасов усулларида аниқланган. Соянинг дон ҳосили йиғиштириб олингандан сўнг унинг илдиз ва анғиз қолдиқлари миқдорларини тупроқ монолитларини ювиш ва қуритиш орқали аниқланган. Биометрик кузатувлар ва ўлчовлар, фенологик кузатувлар тажрибанинг барча такрорланишларда олиб борилган. Соянинг дон ҳосилдорлиги тажрибанинг барча такрорланиш ва вариантларида белгиланган уч нуқтасидан йиғиштириб олинган ҳосилни тарозида тортиш йўли билан аниқланган.

Тажриба даласида бажарилган агротехнологик тадбирлар бўлимида Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқлари шароитларида олиб борган тадқиқотларимизда асосий экин сифатида соянинг “Нафис” навини парваришlashда минерал ўғитлар меъёрлари ва уруғ экиш тизимларини ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва донининг технологик сифат кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш мақсадида олиб борилиб, экинни

парваришларда қўлланилган барча агротехник тадбирлар умумлаштириб баён қилинган.

Соянинг “Нафис” нави мавсум давомида тажриба тизимида келтириб ўтилган минерал ўғитлар меъёрлари асосида озиклантирилган. Фосфорли ва калийли ўғитларнинг 100 фоизи экиш олдида кузги шудгор остига, азотли ўғитлар эса ўсимликнинг шоналаш ва гуллаш даврида берилган.

Экиш муддатлари ҳам ҳудуд учун умумқабул қилинган тавсияларга асосан апрел ойининг иккинчи ўн кунлигида тупроқнинг юза қатлами (10-15 см) даги ҳарорат +12-14 °С ва тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70 фоиздан кам бўлмаган ҳолатда 11-апрел куни тажриба тизимида келтириб ўтилган уруғ экиш тизимлари асосида 4-5 см чуқурликда экилган. Суғориш тадбирлари умумқабул қилинган тавсиялар асосида амалга оширилиб, ҳар бир суғоришда 600-700 м<sup>3</sup>/га миқдорида сув сарфланди. Ўсимликнинг гуллаш ва дуккак ҳосил қилиш даврида суғориш меъёрлари оширилиб, 800-1000 м<sup>3</sup>/га миқдорида сув сарфланган.


Тажрибани олиб боришда фойдаланилган соя навининг тавсифи ҳам баён қилинган.

Диссертациянинг **“Соянинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва донининг технологик сифат кўрсаткичларига уруғ экиш тизимлари ва минерал ўғитлар қўллашнинг таъсири”** деб номланган III–бобда соянинг ўсиб ривожланиши, кўчат қалинлиги, илдиз, анғиз қолдиқлари ҳақида кузатув маълумотлари кенг баён қилинган. Соянинг кўчат қалинлиги ва ўсимликларни сақланувчанлигига минерал ўғитлар меъёрлари ҳамда экиш тизимларининг таъсири бўлимида соя экинидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда уни парваришларда қўлланиладиган агротехнологик тадбирларнинг асосий элементларидан уруғ экиш тизимлари ва минерал ўғитлар қўллаш меъёрлари, экилган уруғларни тез ва соғлом ундириб олинганлиги ва мақбул кўчат қалинлигига эришилганлиги, ҳар бир тупнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари ва гектаридан олинадиган ҳосил салмоғи ҳақида маълумотлар келтирилган.

Минерал ўғитларнинг N<sub>90</sub> P<sub>90</sub> K<sub>60</sub> кг/га меъёри қўлланилган фонда амал даврини бошида кўчат қалинлиги 232,1-357,8 минг туп/га ни, амал даврини охирида 220,9-336,8 минг туп/га ни, нобуд бўлган ўсимликлар сони 11,2-21,0 минг туп/га ни, нобуд бўлиш даражаси эса 4,8-5,9% ни ташкил этганлиги аниқланди. Минерал ўғитларнинг N<sub>90</sub> P<sub>90</sub> K<sub>60</sub> кг/га меъёри қўлланилган фонда соянинг кўчат қалинлиги бўйича энг юқори кўрсаткичлар 60х4-1 тизимда экилган вариантда кузатилиб, амал даврини бошида 357,8 минг туп/га ни, амал даври охирида 336,8 минг туп/гани, нобуд бўлган ўсимликлар сони 21,0 минг туп/га ни, нобуд бўлиш даражаси 5,9% ни ташкил этди.

Соянинг “Нафис” навини асосий экин сифатида етиштирилганда минерал ўғитлар меъёрлари ва уруғ экиш тизимларини кўчат қалинлиги ва ўсимликларнинг сақланувчанлигига ижобий таъсир кўрсатиб, минерал ўғитларнинг N<sub>90</sub>P<sub>90</sub>K<sub>60</sub> кг/га меъёри қўлланилганда, минерал ўғитларнинг N<sub>30</sub>P<sub>90</sub>K<sub>60</sub> кг/га меъёри қўлланилганга нисбатан 0,3-0,7% га, минерал ўғитларнинг N<sub>120</sub>P<sub>90</sub>K<sub>60</sub> кг/га меъёри қўлланилганда эса 0,8-1,1 % га камроқ нобуд бўлганлиги аниқланган. Экиш тизимлари бўйича 60х6-1 тизимда экилган

вариантларда 60x4-1 ва 60x5-1 тизимида экилган вариантларга нисбатан 0,1-1,4% гача камроқ ўсимликлар нобуд бўлганлиги кузатилган.



**1-расм. Соянинг кўчат қалинлиги ва ўсимликларни сақланувчанлигига минерал ўғитлар меъёрлари ҳамда экиш тизимларининг таъсири, 2024 йил**

Соянинг ривожланиш даврларининг давомийлиги ва ўтиш шароитига уруғ экиш тизимлари ва минерал ўғитлар қўллашнинг таъсири бўлимида сояни баҳорги муддатда экиб, турли уруғ экиш тизимлари ва минерал ўғитлар меъёрлари ўсимликнинг ўсув даврининг давомийлиги ва ўтиш шароитига таъсир этганлиги аниқланган. Соянинг асосий экин сифатида етиштирилганда азотли ўғитлар меъёрларини ошириб борилиши билан азотли ўғитни қуйи меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан 4-8 кунгача узайиб борган бўлса, экиш тизимлари бўйича ўсимликлар орасини қисқартирилганда эса ўсув даври давомийлиги 1-4 кунгача камайиб борганлиги аниқланган.

Сояда барглари сони ва юзасининг шаклланишига уруғ экиш тизимлари ва минерал ўғитлар қўллашнинг таъсири бўлимида сояни асосий экин сифатида етиштирилганда минерал ўғитлар меъёрлари ва уруғ экиш тизимларини ўсимликнинг барг сонига таъсир кўрсатиб, минерал ўғитларнинг N<sub>90</sub>P<sub>90</sub>K<sub>60</sub> ва N<sub>120</sub>P<sub>90</sub>K<sub>60</sub> кг/га меъёрлари қўлланилган фонларда 60x6x1 экиш тизимида экилган вариантларда ўсув даври охирида 39,1-40,2 донани ташкил этган ҳолда минерал ўғитларнинг N<sub>30</sub>P<sub>90</sub>K<sub>60</sub> кг/га меъёри қўлланилган фондаги 60x6x1 экиш тизимида экилган вариантга нисбатан 3,5-4,6 донага кўп бўлишини таъминланган.

Сояда барг юзасининг шаклланишига ҳам минерал ўғитлар меъёрлари ва экиш тизимлаврени таъсир кўрсатганлиги аниқланган. Соянинг асосий экин сифатида етиштирилганда минерал ўғитлар меъёрлари ва уруғ экиш тизимларини ўсимликнинг барг юзасига таъсир кўрсатиб, минерал ўғитларнинг  $N_{90}P_{90}K_{60}$  ва  $N_{120}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрлари қўлланилган фонларда 60x4x1 экиш тизимида экилган вариантларда ўсув даври охирида 60,1-61,4 минг м<sup>2</sup>/га ни ташкил этган ҳолда минерал ўғитларнинг  $N_{30}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган фондаги 60x4x1 экиш тизимида экилган вариантга нисбатан 5,0-6,3 минг м<sup>2</sup>/га юқори бўлишини таъминланган.

### 1-жадвал

#### Соя ўсимлиги барг сатҳининг шаклланишига минерал ўғитлар меъёрлари ва экиш тизимларини таъсири, минг м<sup>2</sup>/га (2023 йил)

№ вар	Минерал ўғитлар меъёрлари, кг/га	Экиш тизимлари	Шоналаш	Гуллаш	Дуккак ҳосил қилиш
1	$N_{30}P_{90}K_{60}$	60x4-1	9,5	37,2	55,1
2		60x5-1	8,6	36,1	53,2
3		60x6-1	8,1	34,9	51,8
4	$N_{60}P_{90}K_{60}$	60x4-1	10,6	39,1	58,4
5		60x5-1	9,8	37,1	55,0
6		60x6-1	9,2	36,0	53,4
7	$N_{90}P_{90}K_{60}$	60x4-1	11,1	40,6	60,1
8		60x5-1	10,5	38,7	57,4
9		60x6-1	9,9	37,0	55,2
10	$N_{120}P_{90}K_{60}$	60x4-1	11,8	41,3	61,4
11		60x5-1	10,9	39,2	58,6
12		60x6-1	10,2	38,1	56,7

Соянинг куруқ масса тўплашига уруғ экиш тизимлари ва минерал ўғитлар қўллашнинг таъсири бўлимида минерал ўғитлар меъёрлари ва уруғ экиш тизимлари соя ўсимлигининг куруқ масса тўплашига таъсир кўрсатиб, минерал ўғитларнинг  $N_{90}P_{90}K_{60}$  ва  $N_{120}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрлари қўлланилган фонларда 60x6x1 экиш тизимида экилган вариантларда бир туп ўсимликнинг умумий куруқ масса тўплаши 43,1-44,5 г. ни ташкил этган ҳолда минерал ўғитларнинг  $N_{30}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган фондаги 60x6x1 экиш тизимида экилган вариантга нисбатан 11,7-12,8 граммга юқори бўлишини таъминланган.

Соянинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил элементларининг шаклланишига минерал ўғитлар меъёрлари ҳамда экиш тизимларининг таъсири бўлимида соянинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига туп сони ва минерал ўғитлар меъёрлари таъсир кўрсатиши асослаб берилган.

Соянинг ўсув даврида минерал ўғитларни  $N_{120}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган фонда ўсимликнинг бўйи 94,3-99,4 см ни, шохлар сони 2,8-3,2

донани, дуккак сони 35,7-40,1 донани, битта ўсимликдаги дон сони 89,3-108,3 донани, 1000 дона дон оғирлиги 168,6-171,4 г ни ташкил этганлиги аниқланган. Минерал ўғитларнинг  $N_{120}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган фонда ўсимликнинг бўйи бўйича энг юқори кўрсаткичлар 60x4-1 тизимда экилган вариантда кузатилиб, 99,4 см ни ташкил этган бўлса, шохлар, дуккак, битта ўсимликдаги дон сони ва 1000 дона дон оғирлиги бўйича юқори кўрсаткичлар 60x6-1 тизимда экилган вариантда кузатилиб 3,2; 40,1; 108,3 дона ва 171,4 г бўлганлиги аниқланган.


Сояда пастки биринчи дуккакнинг жойлашиш баландлигига минерал ўғитлар меъёрлари ва экиш тизимларини таъсири бўлимида минерал ўғитлар меъёрлари ва уруғ экиш тизимларини ўсимликнинг пастки биринчи дуккагини жойлашув баландлигига таъсир кўрсатиши турлича бўлиб, минерал ўғитларнинг  $N_{90}P_{90}K_{60}$  ва  $N_{120}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрлари қўлланилган фонлардаги 60x4x1 экиш тизимида экилган вариантларда пастки биринчи дуккак жойлашув баландлиги минерал ўғитларнинг  $N_{30}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган фондаги 60x4x1 экиш тизимида экилган вариантга нисбатан 2,4-2,8 см га, минерал ўғитларнинг  $N_{60}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган фондаги 60x6x1 экиш тизимида экилган вариантга нисбатан 0,9-1,3 см юқори бўлганлиги аниқланган.

Соянинг вегетатив ва генератив органлари таркибидаги озика элементлари миқдорларига уруғ экиш тизимлари ва минерал ўғитлар қўллашнинг таъсири бўлимида минерал ўғитлар меъёрлари ва уруғ экиш тизимларини соя ўсимлигининг вегетатив ва генератив органлари таркибидаги озика элементларига турлича таъсир кўрсатиб, минерал ўғитларнинг  $N_{90}P_{90}K_{60}$  ва  $N_{120}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрлари қўлланилган фонларда 60x6x1 экиш тизимида экилган вариантларда унинг илдизи таркибидаги азот миқдори 0,12-0,17 %, поя қисмида 0,10-0,14 %, барги қисмида 0,13-0,17 %, дони таркибида 0,10-0,15 %, дуккак пўстлоғида 0,09-0,14 % га, фосфор миқдори тегишлича 0,10-0,14 %, 0,11-0,15 %, 0,10-0,14 %, 0,13-0,18 %, 0,10-0,16 % га, калий миқдори эса 0,066-0,099 %, 0,086-0,110 %, 0,051-0,080 %, 0,057-0,191 %, 0,089-0,104 % га юқори бўлишини таъминлаган.

Соянинг ҳосилдорлигига уруғ экиш тизимлари ва минерал ўғитлар қўллашнинг таъсири бўлимида соянинг “Нафис” навини асосий экин сифатида етиштирилганда минерал ўғитлар меъёрлари ва уруғ экиш тизимларини дон ҳосилдорлигига таъсир кўрсатиб, минерал ўғитларнинг  $N_{90}P_{90}K_{60}$  ва  $N_{120}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрлари қўлланилган фонлардаги 60x5x1 экиш тизимида экилган вариантларда юқори миқдорда дон ҳосили (31,2-32,3 ц/га) етиштирилиб, 60x4-1 ва 60x6-1 экиш тизимларида экилган вариантларга нисбатан 1,6-2,4 ва 0,8-3,1 ц/га миқдорида қўшимча дон ҳосили олинган бўлса, минерал ўғитларнинг  $N_{30}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган фондаги 60x5x1 экиш тизимида экилган вариантга нисбатан 9,8-10,9 ц/га миқдорида юқори бўлганлиги аниқланган.

Соя уруғларнинг унувчанлигига минерал ўғитлар меъёрлари ҳамда экиш тизимларининг таъсири бўлимида сояни парваришда макбул уруғ экиш тизимлари ва минерал ўғитлар меъёрларини қўлланилиши уруғларнинг лаборатория шароитидаги униб чиқиш қуввати ва даражасига ижобий таъсир кўрсатиб, минерал ўғитларнинг  $N_{90}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган фонда

